



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI OQDARYO TUMAN HOKIMINING QARORI

141000, Loyish sh., Amir Temur shox ko'chasi 39-uy.

20 21-yil 26 - fevral

75-Q -son

Loyish sh.

Тумanning «Р.Хамроев» худудидаги қишлоқ хўжалигида суғориб ҳайдаладиган ер майдонидан “QORADARYO ZARAFSHON” масъулияти чекланган жамиятига енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,20,23,24,49-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли қарори, Оқдарё туманининг 2019-2020 йилларда “Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”, Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2020 йил 8 октябрдаги 743-сонли хулосаси, “QORADARYO ZARAFSHON” масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Н.Сатторовнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси, туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6,25-моддлари қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумanning «Р.Хамроев» массиви худудидаги туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобида бўлган 377к-контуридаги қишлоқ хўжалигида суғориб ҳайдаладиган ер майдонидан “QORADARYO ZARAFSHON” масъулияти чекланган жамиятига енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун 2,0 гектар ер майдони 49 йил муддатга ижарада фойдаланиш учун танлансин ва ажратилсин.

3. “QORADARYO ZARAFSHON” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Сатторов зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:


- енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун АРТ ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш;
- лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсатнома олиш;
- енгил конструкцияли иссиқхона қуриш белгиланган Шаҳарсозлик талаблари асосида келишилган АРТ ва лойиҳа смета ҳужжатлари асосида қуриш вазифалари юклатилсин.

4. «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 10-бандидаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ва енгил конструкцияли иссиқхона қурилиш ишларини амалга ошириш ҳамда яқунлаб, лойиҳаларни ишга тушириш тармоқ жадвалига асосан белгилансин ва тармоқ жадвалига асосан белгиланган муддатда енгил конструкцияли иссиқхона қуриш ишлари яқунланмаса мазкур қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ер участкаси чегараларини натурага кўчириш ишларини «Ўз ГАШКЛИТИ» ДУКнинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (Б.Аралов) ҳамда (Б.Жураев)лар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

 Н.Сулаймонов